

# Мавзу. Ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий интерфаол таълим методлари



**Режа :**

**1.** Ўқитиш методларининг моҳияти.

2.Ўқитиш методларининг таснифлари.

4.Интерфаол ўқитиш методлари.

5. Ўқитиш методларини танлаш омиллари.

Д.М. Файзуллаева ТДИУ

Замонавий
таълим мақсади



Қобилият ва
фазилатларни
ривожлантириш



Фақат билим олиш эмас



Таълим технологиясининг концептуал асосларини нималар ташкил этади?



# Таълим технологиясининг концептуал асослари



# Педагогик тизим қандай таркиблардан иборат?

- 





# Ўқитиш технологиясини педагогик тизимдаги ўрни

•



## 1. Ўқитиш методларининг моҳияти.

**Метод -** юнонча сўздан олинган бўлиб, “Metodos”- бирор нарсага йўл, ҳақиқатга тезлаштириш усули.

**Ўқитиш методи -** таълим мазмунини ўзлаштиришни таъминловчи, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро боғлиқ изчилликдаги ҳаракатлари.





**Ўқитиш методларини таснифланиши:**

- **Репродкутив**
- **Продуктив таълим методлари**
- **Ўрганилаётган материални муаммоли баён этиш**
- **Қисман-изланувчилик, ёки эвристик**
- **Тадқиқотчилик**

**2. Репродуктив таълим методлари**

**Ахборотли-рецептив методлар.**

**МАЪРУЗА** – давомли вақт ичида катта ҳажмдаги ўқув материалини монологик баён этиш

**ҲИКОЯ**-бу ўқитувчини қисқа вақт бўйича оғзаки бадиий-тасвирий монологи.





**ТУШУНТИРИШ**- кўрсатиб баён этиш- бу узоқ давом этувчи ўқитувчи монологи.

**НАМОЙИШ**-кўрсатиш методлари. Жараён, ҳодисаларни прибор, тажрибалар,техникавий ва тажрибавий қурилмалар, ўқув кинолари, моделлар ёрдамида кўрсатишни назарда тутилади.

**АХБОРОТЛИ МАТНЛАРНИ ЎҚИШ**. Китоб (матн) билан мустақил ишлаш орқали янги билимларни **эгаллаш.**



**Йўриқномавий-репродкутив методлар**

**МАШҚ-** бирор бир ҳаракатлар бўйича аниқ кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш назарда тутилади.







**ТИПИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВАЗИЯТЛАР МЕТОДИ.**

Типик Ишлаб чиқариш вазияти шароитидаги асосий касбий кўникмаларини ҳосил қилиш назарда тутилади.

**ЙЎРИҚНОМА.** Талабаларга аниқ ҳаракатларнинг вазифаларини, уларни амалга ошириш усули, амалий вазифаларни ечиш шартларини, ишларнинг изчиллигини, ўзига хос вазиятлар ва уларни амалиётда қўллаш тавсифаларини тушунтиришни назарда тутади.



**ЛАБОРАТОРИЯ-АМАЛИЙ МЕТОДИ.** Техник тизимлар, жиҳозлар, воситалар билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш назарда тутилади.

*«Кишига балиқ бер – ва уни бир кунлик очликдан асра; кишига балиқ овлашни ўргат ва уни бутун умрга очликдан асра»*

*(Конфуций).*



**3. Интерфаол ўқитиш методлари**
**(Продуктив таълим методлари)**
**Интерфаол** (Interactive)-диалогли.



**АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ:**

Фикрлаш ва ўзини тутишни
"Мажбурий" фаоллаштириш
Мулоқатнинг диалоглилиги
Қайтар алоқани мавжудлиги
Ҳис-ҳаяжонни юқорилиги
Рефлексия (ўз ҳаракатини баҳолаш)



- **СУҲБАТ** – диалогли (юнонча: dialogos - икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув), таълим бериш ва ўрганишнинг савол–жавобли йўли
- **БАҲС (МУНОЗАРА)** - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули.
- **АҚЛИЙ ҲУЖУМ** (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.
- **ИНСЕРТ** – самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими:
- **Матнда белгилаш тизими**
- **(√)** - мен биламан деганни тасдиқловчи белги;
- **(+)** - янги ахборот белгиси;
- **(–)** - менинг билганларимга, зид белгиси;
- **(?)** - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

**ПИНБОРД** (инглизчадан: *pin-* маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат.

**ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН.** Ишбилармон ва рол (ҳолат)ли ўйинлар муаммоли топшириқнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим олувчилар томонидан ўйналадиган саҳналаштирилган ҳаётий ҳолатлардан фойдаланилади.





**Тадқиқотчилик методлари:**

**Лойиҳалар усули** билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усули.

**Кейс-стади** (case инглиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) –

# Ўқитиш методларини танлаш омиллари





- *Мақсадни белгилаш*
- *Ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги*
- *Таълим бериш усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири*
- *Таълим олувчиларни ўқув имкониятлари*
- *Вақт сарфи*
- *Таълим бериш шароити*
- *Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари*
- *Таълим олувчилар сони*
- *Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари*